# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 12 январь, № 7 (6442) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

## ижтимоий-иқтисодий салоҳиятимиз ва муваффақиятларимизнинг мустаҳкам асосидир

Жаҳон иқтисодиёти улкан синовларга дуч келаётгани ҳақидаги маълумотлардан деярли ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлиб турибмиз. Мисол учун, иқтисодий ўсишнинг локомотиви ҳисобланадиган истеъмол талабининг, айниқса, хом ашё ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг кескин пасайиб бораётгани глобал молиявий иқтисодий инқироз наинки давом этаётгани, ҳатто чуқурлашаётганининг исботидир. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда эришилаётган натижалар эса жаҳон ҳамжамиятининг қизиқиши янада ошишига сабаб бўлаяпти.

**ТАҲЛИЛ**







Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, “Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида, асосан, пахта хом ашёси етказиб берадиган, салоҳияти паст, аҳолисининг ҳаёт даражаси энг қолоқ республикалардан бири бўлиб, тарихан қисқа даврда барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган, кўп қиррали иқтисодиётга эга бўлган замонавий давлатга айлангани барча-барча кузатувчиларни ҳайратда қолдириши бугун объектив ҳолатдир”.

Дарҳақиқат, мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти қарийб 6 баробар ўсганлиги, охирги 11 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошиши барқарор равишда 8 фоиздан юқори бўлиб келаётгани диққатга сазовор. Шу билан бирга, макроиқтисодий кўрсаткичлар мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг барқарор равишда профицит билан бажарилиши, экспорт ҳамда олтин-валюта захираларининг ўсиши таъминланмоқда. Дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” деб тан олинган дастур ушбу муваффақиятларнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилаяпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган ушбу ҳаётий дастурга мувофиқ, олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, саноат тармоқларини тараққий эттириш, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарни ишга тушириш, қисқача айтганда, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш иқтисодиётимиз рақобатдошлигини мустаҳкамлаш имконини бераяпти.

(Давоми 2-бетда).

**12 ЯНВАРЬ — «ВАТАНГА ҚАСАМЁД» МОНУМЕНТИ ОЧИЛГАН КУН**

Истиқлол йилларида юртимизда тинч ва осуда ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлмиш Қуролли Кучларимизни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Пировардида барча талабга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ҳамда техникага эга бўлган миллий армиямиз барпо этилди. Ислоҳотлар самараси ўлароқ, аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди, Ватан ҳимоячиси бўлиш ҳар бир йигитнинг эзгу мақсадига айланди.



# Мардлик ва жасорат тимсоли

Давлатимиз раҳбари ғояси ва ташаббуси билан пойтахтимизда қад ростлаган “Ватанга қасамёд” монументи ҳам юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаётган фидойи ўғлонлар шарафига қўйилган бетакрор обидадир. У 2010 йилнинг 12 январь куни тантанали равишда очилган. Мажмуада халқимизнинг муносиб ўғлони давлатимизнинг бетакрор тимсоли бўлган байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки ётган қутлуғ заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани тасвирланган. Ана шу мард ва жасур фарзандга оқ сут берган, бағрида кўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар она бамисоли ўз қўрғони олдида туриб, ҳарбий хизматга отланган жондан азиз боласига оқ фотиҳа бериб, унга оқ йўл тиламоқда.

Мазкур монумент сиймосида Қуролли Кучларимиз сафига киришга тайёргарлик кўраётган ёшларимизнинг ҳам юксак орзу-интилишлари ўз аксини топгани диққатга сазовордир.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Шахсан мен ушбу бадиий мажмуани хаёлимдан ўтказар эканман, ўзимни бамисоли Ватанимга, эл-юртимга қасамёд қилаётгандек ҳис қилдим. Ўйлайманки, бугун мана шу майдонда турган ва эртага бу ерга зиёратга келадиган барча инсонлар ҳам шундай фикр, шундай хаёл билан бу ҳайкал пойида тиз чўкиб таъзим қилади”.

Ёш авлодни миллий ғоя руҳида, садоқатли ва матонатли ўғлонлар этиб тарбиялашда маънавий ибрат бўлиб хизмат қилаётган ушбу бетакрор мажмуа, ҳақиқатан ҳам, бугун халқимизнинг энг қадрли масканларидан бирига айланган.

Бу ерга юртимизнинг турли ҳудудларидан кўпчилик ташриф буюради. Улар орасида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим даргоҳлари талабалари, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, аскарлар, жамоатчилик вакилларини учратиш мумкин.

— Биз учун “Ватанга қасамёд” монументи олдида анъанавий ўтказиладиган очиқ мулоқот тарзидаги маънавият дарслари алоҳида аҳамиятга эга, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Дилхуш Раҳмонов. — Зеро, шу орқали қалбимизда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари янада мустаҳкамланади.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон енгил саноатининг ривожи «Masche» журнали нигоҳида

Германияда ҳар чоракда нашр этиладиган “Masche” иқтисодий журналида Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг ривожланиши ва унинг сармоявий салоҳиятига бағишланган мақола эълон қилинди. Мазкур журнал Германия трикотаж-тўқув маҳсулотлари уюшмасининг матбаа нашри ҳисобланади.

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Мақолада хабар қилинганидек, мамлакатимиз кейинги йиллар давомида йилига 8 фоиздан зиёд кўрсаткичга эга бўлган иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини намойиш этмоқда. Манбанинг ёзишича, республикамиз олтин, кўмир, газ, мис ва бошқа кўплаб табиий ресурсларнинг улкан захираларига эга.

“Ўзбекистон — жаҳон бозорини пахта толаси ва ипак билан таъминлайдиган йирик етказиб берувчилардан бири. Шу омил ҳисобга олинадиган бўлса, Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноати немис компаниялари учун икки томонлама иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг энг муҳим соҳаларидан бири эканлиги аён бўлади. Улар хусусийлаштириш ва модернизациялаш жараёнларида фаол иштирок этиш, ўзбекистонлик шериклар билан узоқ муддатли ўзаро манфаатли шартномаларни имзолаш имкониятига эгадирлар”, деб таъкидлайди нашр.

Шунингдек, “Masche” журнали ўз ўқувчиларини мамлакатимиз тўқимачилик саноатини модернизациялашга йўналтирилган сармоявий дастур билан ҳам таништирган. Мақолада мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2020 йилга қадар республика ичкарисида пахтани қайта ишлаш ҳажмларини 70 фоизга қадар ошириш кўзда тутилгани маълум қилинган.

**«Жаҳон» АА.**

# Амнистия акти изчил қўлланилмоқда

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Шу кунларда жойларда Президентимизнинг тақдимномасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарори ижроси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунда, албатта, қарорда назарда тутилганидек, аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаганлар, чет давлатлар фуқаролари, қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар, ногиронлар, оғир бўлмаган жиноят содир этганларни жазодан озод этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Яқинда Навоий вилоятида бир гуруҳ маҳкумларга нисбатан амнистия акти қўлланилиб, жазодан озод этилди. Шу муносабат билан уюштирилган тадбирда таъкидланганидек, Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳада, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, меҳр-шафқат ҳамда бағрикенглик тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

— Билиб-билмай қўйган қадамимни кечириб, менга яна бир имконият бергани учун давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдорман, — дейди жазодан озод этилган Ҳ. Мелибоев. — Бугун оилам учун ҳам, фарзандларим учун ҳам энг қувончли кун.

(Давоми 2-бетда).

**АНЖУМАН**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ янгиликларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

# Йўл ҳаракатининг янги қоидалари

Тадбирда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишларни янада яхшилаш чоралари кўрилаётгани амалда юксак самара бераётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, “Йўл ҳаракати қоидалари” янги таҳрирда тайёрланди, яъни унга 15 та ўзгартириш киритилди. Ушбу янгиликлар 2016 йил 1 мартдан эътиборан амалда қўлланила бошлайди.

(Давоми 2-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



### Жамоат транспортида электрон тўлов

**Андижон**

Қўрғонтепа туманидаги “Қўрғонтепа автобаза транс” масъулияти чекланган жамиятига қарашли жамоат транспортларида вилоятда биринчи бўлиб йўл ҳақини пластик карточка орқали тўлаш жорий этилди.

Натижада ҳудуд марказидан Дардоқ аҳоли яшаш пунктига Ойим ва Деҳқончек қишлоқлари орқали еттита замонавий автобус қатнови йўлга қўйилди. Айни пайтда уларда электрон тўлов тизими амал қилмоқда.

— Ҳадемай, янги йўналишлар бўйлаб яна еттита автобусимиз ҳаракатлана бошлайди, — дейди МЧЖ раҳбари Илҳомжон Мамасолиев. — Ҳозир тажрибали ҳайдовчиларни ишга қабул қилаяпмиз.

Яқин истиқболда тумандаги йигирмата йўналишли такси автомашиналари ҳам ана шундай тизим асосида фаолият юрита бошлайди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

### Оилавий корхонанинг миллий либослари

**Бухоро**

Вилоят марказидаги “Бухоро миллий либослари” оилавий корхонасида банк томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик кредит ҳисобига ўндан зиёд турдаги кийим-кечаклар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Эътиборлиси, бу либослар экологик жиҳатдан тоза ҳисобланган ипак ва пахта матоларидан тикилаяпти. Қолаверса, уларнинг маҳаллий иқлим шароитига мослиги ҳамда миллий анъаналаримизни ўзида мужассам этгани харидорларга манзур бўлаётир.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, 2015 йил давомида Бухоро шаҳри саноат салоҳиятини ошириш мақсадида 99 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу мақсадлар учун молия муассасалари томонидан 15 миллиард сўмдан зиёд сармоя йўналтирилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Истиқболли йўналиш

**Жиззах**

Вилоятдаги “Пахтамаш” масъулияти чекланган жамияти Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳудудида сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсатадиган кемпинглар мажмуини фойдаланишга топширди. Бунинг учун 500 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

— Айдар-Арнасой ҳавзаси ва унинг соҳиллари янги сайёҳлик йўналишларини очиш учун жуда қулай, — дейди “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг Жиззахдаги ваколатли вакили Лола Санаева. — Шундан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда бу ерда умумий қиймати 3 миллиард сўмлик 5 та туризм инфратузилмасини шакллантирмоқчимиз. Улар орқали кўл бўйларида чўмилиш жойлари ташкил этиш, кемпинглар қуриш, ўтовлар ўрнатиш кўзда тутилган.

**Тожиддин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Ёш мусиқачимиз яна ғолиб

**Тошкент вилояти**

Қибрай туманида истиқомат қилувчи Муҳаммадазизовлар хонадонига Франциядан хушхабар келди. Унда ушбу мамлакат пойтахтида фортепьяно бўйича ўтказилган анъанавий “Париж юлдузлари” мусиқа фестивалида мазкур оила фарзанди Шоҳруҳ Бахтиёровнинг биринчи ўринни эгаллагани маълум қилинган эди.

Шоҳруҳ таҳсил олаётган Дўрмон қишлоғидаги 2-сонли мусиқа ва санъат мактаби давлатимизнинг соҳага қаратаётган юксак эътибори туфайли қад ростлаган санъат кошоналаридан биридир. Икки йил муқаддам фойдаланишга топширилган мазкур муассаса бугун дўрмонлик санъатсевар ёшларнинг қадрдон масканига айланиб улгурди. Ҳозир бу ерда 250 дан ортиқ ўғил-қиз 14 йўналишда билим олмоқда.

Бу Шоҳруҳнинг хориж давлатларидаги нуфузли ижодий кўрикларда қозонган учинчи зафаридир.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фақат сўнгги йилларнинг ўзида бунёд этилган, лойиҳавий қиймати 4 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган Сурғил кони негизидаги Устюрт газ-кимё мажмуаси, “Женерал моторс” компанияси билан ҳамкорликда ишга туширилган автомобиль двигателлари заводи, “МАН” компанияси иштирокида Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва давомида иқтисодиётимизга қарийб 67 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган бўлса, унинг бешдан бир қисмидан ортиғи хорижий инвестициялар улушига тўғри келди. Ўтган йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро инвестиция форумида 33 та давлатдан нуфузли фирма ва компанияларнинг 560 дан зиёд вакили, шунингдек, етакчи халқаро молия институтларининг ганлиги ҳам инсон омили, унга бўлган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Жумладан, 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йилида бугунги фаровон ҳаётга эришишимизга муносиб ҳисса қўшган катта авлод вакилларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, нуронийларимизнинг руҳини, кўнглини кўтариш, улар учун қўшимча қулайликлар яратишга йўналтирилган Давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил

Умуман олганда, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури бўйича барча манбалар ҳисобидан 2 триллион 246 миллиард сўм ва 225 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди. Президентимиз алоҳида қайд этганидек, қарияларимизга бўлган эътибор, бу йўналишдаги ишлар фақат 2015 йил билан чекланмайди, балки янги босқичда, янгича шаклда изчил давом эттирилади.

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

## ижтимоий-иқтисодий салоҳиятимиз ва муваффақиятларимизнинг мустаҳкам асосидир

автобуслар, Япониянинг “Исузу” компанияси билан биргаликда автобуслар ишлаб чиқарадиган янги қувватларнинг фойдаланишга топширилиши, “Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси” масъулияти чекланган жамияти базасида “Дамас” ва “Орландо” енгил автомобиллари ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилганлиги республикамиз саноат салоҳияти нақадар юксаклигини яққол тасдиқлаб турибди.

Қайд этиш керакки, бу каби йирик лойиҳалар кўлами йил сайин кенгайиб, юртимизнинг энг олис ҳудудларини ҳам қамраб олмоқда. Узоққа бормайлик, 2014 йилда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида умумий қиймати 4,2 миллиард АҚШ долларилик 154 та йирик объект фойдаланишга топширилган бўлса, 2015 йилнинг 9 ойи давомида 3440 та янги ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилиши баробарида, юқори технологияли 76 та йирик инвестициявий лойиҳа рўёбга чиқарилди.

Иқтисодиётимизда қўлга киритилаётган ана шу ютуқлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг нечоғли самарадорлигидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, хорижий инвесторларнинг ишончини янада оширмоқдаки, пировардида улар истиқболли лойиҳалар ижроси учун катта миқдорда чет эл инвестицияларини йўналтиришаяпти. Эътибор қилинг: кейинги беш йил раҳбарлари иштирок этиб, умумий қиймати 12 миллиард АҚШ долларидан зиёд инвестиция битимлари имзоланди. Бу иқтисодиётимиз ривожига бўлган юксак ишонч, айни чоғда унга берилган муносиб баҳодир.

Саноатимизда кузатилаётган бундай муваффақиятлар, аввало, инсон, унинг манфаатларига йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Агар 1991 йилда мамлакатимиз аҳолиси 20 миллион 500 минг кишини ташкил этган бўлса, мустақиллик йилларида нуфусимиз 1,5 карра ўсиб, 31 миллиондан ошгани ҳолда, аҳолининг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайди.

Шуниси эътиборга моликки, аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши ҳам тобора ортиб бормоқда. Масалан, истиқлол йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсганини инобатга олсак, у Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичидаги энг юқори натижалардан бири эканлиги аён бўлади. Бу, албатта, юртимизда ҳар бир фуқарога ўз салоҳияти, истеъдодини тўла намоён қилиш учун барча шарт-шароит яратилгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилганининг самарасидир.

Мамлакатимизда ҳар бир йилга ном берилиб, муҳим ижтимоий ташаббуслар рўёбга чиқарилаётганлиги... амалга оширилди. Бошқача айтганда, ўтган йилнинг ўзида 2 миллион 750 минг нафар отахон ва онахонларимизнинг пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилиб, уларга давлат бюджети ҳисобидан 12 триллион 888 миллиард сўм пенсия ўз вақтида ва узлуксиз етказиб берилди. Айниқса, урушда қатнашган ва фронт ортида хизмат қилган фахрийларга алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

Кексаларни эъзозлашга ҳам давлат, ҳам жамоат ташкилотлари улуш қўшди. Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа нодавлат ташкилотлар, ҳомийлар кўмагида ёлғиз ҳамда ижтимоий мададга муҳтож қарийб 10 минг фуқаронинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. 215 мингдан зиёд отахону онахонларимиз чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг саломатлигини тиклашга ёрдам кўрсатилди. 50 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, пенсионер ҳамда ногиронлар санаторийларда бепул даволанди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинди. Зеро, соғлом бола, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий қадриятдир.

Ана шулар ҳисобга олинган ҳолда, 2016 йилда баркамол авлодни вояга етказиш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни кенгайтириш бўйича кўламли чора-тадбирлар кўрилиши табиий. Аввало, хотин-қизларимиз учун ижтимоий, маиший, тиббий нуқтаи назардан зарур шароитларни яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, тиббиёт муассасалари, жумладан, жойларда фаолият кўрсатаётган перинатал марказларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби эзгу ишлар рўёбга чиқарилишига ишончимиз комил.

Мухтасар айтганда, истиқлолимизнинг чорак асри нишонланадиган 2016 йилда халқимиз олдида бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юқори натижаларга эришиш, янги марраларни забт этишдек улуғ вазифалар турибди. Зотан, мустақиллик берган беқиёс имконият — озод ва эркин, демократик давлат ҳамда фаровон жамият қуриш учун халқимизнинг ақл-заковати ва азму шижоати етарлидир.

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

# Мардлик ва жасорат тимсоли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ушбу ҳайкалда юртига хизмат қилишни дилига туккан фарзанд қиёфаси жуда моҳирона тасвирланган, — дейди Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети курсанти Авазбек Ураимжонов. — Ҳар доим мана шу монумент пойига келганимизда, эл-юртимиз олдидаги бурчимизни чуқуррок ҳис этамиз. Мақсадим — олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлаб, юртимиз сарҳадларини асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшиш. Шу орқали халқимиз, Президентимизга содиқлик қасамёдимизни оқлаш.

Маънан етук, жисмонан соғлом, дунёқараши кенг, интеллектуал салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган бугунги авлод вакилларининг бундай шижоати, эзгу ниятлари ҳар биримизга чексиз ғурур бағишлайди, албатта.

Чуқур ҳаётий фалсафа, теран маъно-мазмунни ифодалаган, катта тарбиявий аҳамиятга эга бу улуғвор монумент шу юртда униб-ўсган, унинг бугунги ва эртанги кунини ўйлаб яшаётган ҳар қайси инсонни мусаффо осмонимиз, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга, унинг янада гўзал ҳамда обод бўлиши учун астойдил ҳаракат қилишга, ўз ҳаётини аждодларимиздан мерос ор-номус асосига қуришга, садоқат ва жасоратга ундайверади.

**Саиджон МАХСУМОВ.**



# УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида “Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!” шиори остида уч авлод учрашуви ўтказилди. Унда фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, ўқувчи-талабалар иштирок этди.

**ТАДБИР**

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тинчликни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, кексаларни эъзозлаш, эртамиз эгаларини баркамол қилиб вояга етказишга давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бинобарин, буюк аждодларга муносиб бўлиш, юртимиз тараққиётига дахлдорлик билан яшаш ҳар биримиз, айниқса, ёшларнинг муқаддас бурчидир.

— Истиқлол йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир замонавий армия барпо этилди, — дейди Мудофаа вазирлиги фахрийлар ишлари бўйича Марказий Кенгаш аъзоси Баҳодир Ғофуров. — Ҳарбийларимизнинг пухта жисмоний тайёргарлик, юксак интеллектуал салоҳият, мустаҳкам руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Уларнинг ижтимоий-маиший таъминоти бекаму кўст. Мана шундай осуда юртнинг Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш ҳар бир ўғлон учун катта шарафга айланган. Ўз навбатида, нуронийларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром диққатга сазовор.

— Айни пайтда Ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейида таҳсил олаяпман, — дейди ўқувчи Ойбек Қосимов. — Зарур билим ва кўникмаларни олишимиз, спорт билан шуғулланишимиз учун ҳамма қулайлик муҳайё этилган. Бу каби тадбирлар биз, ёшларни маънан етук бўлиб улғайишимиз, қалбимизга ватанпарварлик туйғуларини янада чуқур сингдиришимиз, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳаёт мактаби билан яқиндан танишишимизда катта роль ўйнайди.

Учрашув доирасида бир гуруҳ кексалар рағбатлантирилди. Тадбирда Ватан, бахт-саодат, тинчлик тараннум этилган куй-қўшиқлар янгради.

**М. ҚОСИМОВ.**

Ҳ. ПАЙДОЕВ
олган сурат.

## Қисқа сатрларда

● Андижонда “Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси” деб номланган видеомулоқот ўтказилди. Унда Андижон ва Бухоро вилоятларида ўз йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар ҳамда уларнинг ота-оналари қатнашди.

**● Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**

● Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ўртасида маънавий тарғибот тадбирлари таъсирчанлигини янада ошириш ва уларни ёт иллатлардан асрашга оид тадбир уюштирилди.

**● Наманган вилояти ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадасининг туман ҳамда шаҳар босқичлари бўлиб ўтди.**

● Тошкент вилоятининг Зангиота туманида “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, жамият мустаҳкам бўлади” мавзуида хайрия тадбири ўтказилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Йўл ҳаракатининг янги қоидалари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги “Йўл ҳаракати қоидалари”да “мотоцикл” атамасига кажавали ёки кажавасиз икки ғилдиракли механик восита сифатида изоҳ берилган. Шу билан бирга, аслаҳаланган ҳолатдаги вазни 400 килограммдан ошмайдиган уч ғилдиракли механик транспорт воситалари ҳам уларга тенглаштирилиши белгиланган. Табиийки, ҳозирги тезкор замонда ушбу изоҳ талабга унчалик жавоб бермайди. Чунки техника тараққиёти туфайли бугун йўлларимизда “мотоцикл” аталмайдиган, аммо шу туркумга мансуб бўлган икки, уч ва тўрт ғилдиракли воситалар, масалан, квадроцикл, скутер ва электроскутерлар ҳаракатланмоқда. Улар томонидан ҳам йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари учраяпти. Буларнинг олдини олиш мақсадида қоидаларга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Янги қоидаларга биноан, двигитель иш ҳажми 50 сантиметр кубдан юқори, тезлиги 50 километр соатдан ортиқ бўлган бу замонавий воситалар ҳам “мотоцикл” таркибига киритилди. Бундан кейин улар ҳам мотоцикл сифатида рўйхатга олинади ва давлат рақам белгилари берилади.

Янги таҳрирдаги қоидаларда автомобилларнинг тезлиги масаласига ҳам эътибор қаратилган. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўп қаватли уйлар орасидаги йўлларда юқори тезлик соатига 30 километр қилиб белгиланди. Айни чоғда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими ходимлари билан келишган ҳолда, агар йўл ҳолати тезликни ошириш имконини берса, айрим жойлар ёки йўлнинг маълум қисмида белгиланган тезликни ошириш учун рухсат бериш ваколати берилди.

— Янгиликлардан яна бири шуки, эндиликда ҳайдовчилар ўзи билан бирга нур қайтарувчи нимчаларни олиб юриши талаб этилади, — дейди ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси катта инспектори Мансур Рихсиев. — Бу орқали улар хавфсизлиги кўзда тутилмоқда. Гап шундаки, кечаси ёки йўлнинг ёритилмаган қисмида бораётган транспорт воситаси носозлик туфайли тўхтайди. Ҳайдовчи уни тузатишга анча вақт сарфлайди. Шу вақт мобайнида йўлда кетаётган бошқа транспорт воситалари ҳайдовчилари уни кўрмай қолиши эҳтимолга яқин. Амалиётда бундай ҳолатлар ҳам учрайди. Қоидада кўзда тутилган нимча шундай шароитда нурни қайтариб, бошқаларни огоҳлантиради ва пировардида кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинади.

Умуман, янги қоидаларга мувофиқ, ҳар бир транспорт воситасида тиббиёт қутичаси, ўт ўчиргич, мажбурий тўхташни билдирадиган белги ва махсус нимча бўлиши талаб этилади.

Тадбирда пиёдалар, йўловчилар, хусусан, болалар хавфсизлиги билан боғлиқ янгиликлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Масалан, пиёдаларга махсус ажратилган жойдан ўтаётганда хаёлни чалғитувчи воситалар — мобиль телефони ва планшетдан фойдаланиш ёки газета, журнал, китоб ўқиш ман этилади. Айни чоғда болалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”га “Болалар гуруҳини ташкилий ташиш” атамаси ҳам киритилди. Унга мувофиқ, 8 нафар ёки ундан ортиқ болаларни автобусда ташиш (йўналишли транспорт воситалари бундан мустасно) болаларни ташкилий ташиш экани белгиланди.

Шунингдек, анжуманда йўл марзаси, фото ва видеофиксация ахборот-ишора белгиси ҳамда “Йўл ҳаракати қоидалари”га киритилган бошқа янгиликлар хусусида атрофлича маълумотлар берилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳарбийларга шинам уй

Термиз гарнизонида бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар учун қуриб битказилган кўп қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилди.

**ҒАМХЎРЛИК**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Мудофаа вазирлиги, Жануби-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги вакиллари, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, фахрийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларга юксак эътибор кўрсатилаётгани, мазкур иншоотнинг фойдаланишга топширилиши ҳам ана шу ғамхўрликнинг амалий ифодаси эканлигини таъкидладилар.

Ҳарбий оркестр томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга янада файз бағишлади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 12 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1968,51 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4098,97 |
| 1 Дания кронаси | 412,75 |
| 1 БАА дирҳами | 768,24 |
| 1 АҚШ доллари | 2821,43 |
| 1 Миср фунти | 360,34 |
| 1 Исландия кронаси | 21,81 |
| 1 Канада доллари | 1993,66 |
| 1 Хитой юани | 428,67 |
| 1 Россия рубли | 38,69 |
| 1 Украина гривнаси | 120,05 |
| 1 Малайзия ринггити | 641,23 |
| 1 Польша злотийси | 705,45 |
| 1 СДР | 3905,82 |
| 1 Туркия лираси | 931,10 |
| 1 Швейцария франки | 2838,18 |
| 1 евро | 3053,85 |
| 10 Жанубий Корея вони | 23,37 |
| 10 Япония иенаси | 240,29 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Амнистия акти изчил қўлланилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда ишлайман, деган киши учун барча имконият ва шарт-шароит яратилган. Шундай экан, келгусида юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бир гуруҳ маҳкумларга нисбатан амнистия акти қўлланилиб, жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинди. Улар орасида М. Жуманиёзова ҳам бор.

— Қоқилганни суяш ва унга яхшилик қилиш, умуман, халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари асрлар давомида шаклланиб келган, — дейди у. — Мамлакатимизда ушбу тамойил давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилинганини ва кўплаб юртдошларимиз қадрдон оиласи бағрига қайтаётгани бунга яққол бир мисолдир. Мен билан бирга озод этилганлар хурсандчилиги ҳамда қувонч ёшларини кўриб, кўнглимдан шулар ўтди. Албатта, бундан кейин хатоларимдан сабоқ чиқариб, бор куч-ғайратим ва билимимни Ватанимиз тараққиётига улуш қўшиш йўлида сарфлайман.

Тадбирда сўз олганлар таъкидлаганидек, жазодан озод этилган шахслар доимий яшаш жойига етиб боришини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, жамиятда кўникма ҳосил қилиши, оилада ўзини тиклаб олиши учун моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда улар томонидан такрорий жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтириш айни муддаодир.

Қарор ижроси доирасида маҳкумларни жазодан озод этиш ишлари жойларда изчил давом эттирилмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

# ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ




## 2015/2016 ўқув йилида битирувчи бакалавр ҳамда магистрларни ишга тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.

Жорий йилда институтни тамомлаётган битирувчиларга турли корхона ва ташкилотлардан 1500 га яқин буюртмалар келиб тушган. Битирувчиларни ишга тақсимлашда республикамизнинг барча ҳудудини қамраб олиш, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёжи бор корхоналарнинг талабини қондириш ҳамда битирувчиларга тақсимот жараёнида танлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида институт томонидан буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда. Институтни тамомлаётган кадрларга эҳтиёжи мавжуд корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан 2016 йил 15 январгача институт ректоратига мурожаат қилишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реквизитлари (почта манзили, телефон) ҳамда таклиф этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилиши лозим.

Шунингдек, мутахассисларга эҳтиёжи бор барча корхона ва ташкилотларни битирувчилар билан бевосита суҳбат ўтказиш, ишга танлаб олиш ҳамда шартномалар расмийлаштириш учун 2016 йил 15-16 январь кунлари институтда уюштирилаётган «Карьера кунлари» меҳнат ярмаркаси тадбирларига таклиф қиламиз.

Битирувчилар тўғрисидаги батафсил маълумот билан институт веб-сайти (http//tfi.uz)нинг «Битирувчилар» бўлимида танишиш мумкин.

Сизнинг эътиборингизга йўналишлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз.

### 2015/2016 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| Т/р | Бакалавр йўналишларининг номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Қашқадарё | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сирдарё | Сурхондарё | Тошкент вилояти | Фарғона | Хоразм | Тошкент шаҳри |
| 1. | Банк иши | 215 | 7 | 5 | 13 | 14 | 28 | 11 | 7 | 15 | 3 | 7 | 12 | 11 | 8 | 74 |
| 2. | Молия | 393 | 10 | 14 | 25 | 16 | 40 | 18 | 26 | 31 | 8 | 14 | 23 | 31 | 19 | 118 |
| 3. | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | 193 | 8 | 3 | 20 | 3 | 26 | 17 | 5 | 15 | 6 | 7 | 5 | 7 | 8 | 63 |
| 4. | Солиқлар ва солиққа тортиш | 123 | 2 | 7 | 6 | 9 | 14 | 9 | 9 | 6 | | 5 | 9 | 9 | 8 | 30 |
| 5. | Суғурта иши | 45 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 5 | | 3 | | 1 | 4 | 2 | 2 | 23 |
| 6. | Касб таълими (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) | 31 | 2 | | 3 | | 3 | 2 | 4 | 1 | 1 | | 3 | 2 | 1 | 9 |
| 7. | Касб таълими (Банк иши) | 22 | | 1 | | 3 | | 1 | | | | | 4 | 1 | 1 | 11 |
| 8. | Касб таълими (Молия) | 22 | | | 1 | | 1 | 1 | | 5 | | | 2 | | 1 | 11 |
| 9. | Менежмент | 62 | 1 | 1 | 3 | 6 | 2 | 3 | 2 | 5 | 2 | 3 | 6 | 1 | 3 | 24 |
| 10. | Баҳолаш иши | 42 | 1 | 1 | 3 | 3 | 4 | 6 | | 2 | | 1 | 2 | 1 | 1 | 17 |
| 11. | Пенсия иши | 47 | | | 2 | | 3 | 5 | | 5 | 1 | 1 | 6 | 3 | 3 | 18 |
| | **Жами** | **1195** | **32** | **33** | **77** | **55** | **122** | **78** | **53** | **88** | **21** | **39** | **76** | **68** | **55** | **398** |

### 2015/2016 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| Т/р | Магистратура мутахассисликларининг номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Қашқадарё | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сирдарё | Сурхондарё | Тошкент вилояти | Фарғона | Хоразм | Тошкент шаҳри |
| 1. | Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 14 | | | 1 | 1 | 2 | | | 3 | | 1 | 1 | | | 5 |
| 2. | Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 18 | | | 4 | 1 | 2 | | | 2 | | | 1 | 1 | 1 | 6 |
| 3. | Давлат молиясини бошқариш | 30 | 1 | 1 | 1 | 1 | 5 | | | 1 | | 2 | 1 | 2 | 2 | 13 |
| 4. | Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича) | 19 | | | 1 | | 2 | 2 | 3 | | | 1 | | | | 10 |
| 5. | Халқаро молия | 8 | 1 | | | 1 | 1 | | | | | | | 1 | | 4 |
| 6. | Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 13 | | 1 | | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | | | 1 | | | 5 |
| 7. | Банк иши (фаолият турлари бўйича) | 27 | 3 | | 3 | 2 | 2 | | 1 | 2 | | 1 | 2 | 1 | | 10 |
| 8. | Банк ҳисоби ва аудит | 24 | | 1 | 1 | 1 | 3 | 1 | 1 | 1 | | 1 | 3 | 1 | 1 | 9 |
| 9. | Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича) | 12 | 1 | | | 2 | 1 | | | 2 | | 1 | 1 | | | 4 |
| 10. | Аудит (тармоқлар бўйича) | 20 | | | 2 | 1 | 3 | | 1 | | | 1 | 1 | 1 | 2 | 8 |
| 11. | Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича) | 10 | 1 | | 1 | 1 | | | | | | | 3 | | | 4 |
| 12. | Пенсия иши | 10 | 1 | 1 | | 2 | | | | | | | 1 | | 1 | 4 |
| | **Жами** | **205** | **8** | **4** | **14** | **14** | **23** | **4** | **7** | **12** | | **8** | **15** | **7** | **7** | **82** |

**Маълумот учун телефон: (0-371) 234-41-39, Тошкент молия институтининг маркетинг хизмати бўлими.**
**Факс: (0-371) 234-67-71.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100000, Амир Темур шоҳкўчаси, 60-«А» уй. E-mail: bmab@tfi.uz**

23R/12

# «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

2016 йил 12 февраль куни соат 11.00 да «Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Пастдарғом тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2015 йил 14 сентябрдаги 14-1516/5380-сонли ва 14-1516/5380-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Пастдарғом тумани, «Димишқибола» ҚФЙ, Чортут маҳалласида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Умумий майдони 7827,07 кв.м., фойдаланиш майдони 2236,72 кв.м. бўлган сутни қайта ишлаш цехи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 970 120 000 сўм.***

**2.** Умумий майдони 288,49 кв.м., фойдаланиш майдони 482,74 кв.м. бўлган сутни қайта ишлаш цехининг маъмурий биноси.

***Бошланғич баҳоси — 204 900 000 сўм.***

**3.** Қурилиш ости майдони 2016,96 кв.м. бўлган, бузоқлар учун 1А-сонли айвон биноси ҳамда қурилиш ости майдони 1031,40 кв.м. бўлган 2А-1-сонли қўтон (загон).

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

**4.** Қурилиш ости майдони 1400 кв.м., фойдаланиш майдони 1344 кв.м. бўлган 1А-сонли айвон биноси.

***Бошланғич баҳоси — 160 089 200 сўм.***

**5.** Ер майдони 2649 кв.м. бўлган, 100 бош қорамолга мўлжалланган айвон биноси, шу жумладан, қурилиш ости майдони 1996,27 кв.м. бўлган, бузоқлар учун 1А-сонли айвон, қурилиш ости майдони 650,25 кв.м. бўлган, 2А-1-сонли қўтон (загон).

***Бошланғич баҳоси — 410 000 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават.**
**Телефон: (0-366) 234-06-38.**

39R/34

Хизматлар лицензияланган.

# «NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**2016 йил 27 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан 14321-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Фойдаланилган «Arizol» русумли айлана тўқиш машинаси — 2 дона.
***Бошланғич баҳоси — 90 000 000 сўм.***

**2.** Фойдаланилган «Pilotelli» русумли айлана тўқиш машинаси — 1 дона.
***Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.***

**3.** Фойдаланилган «Mayer&Cie» русумли айлана тўқиш машинаси — 7 дона.
***Бошланғич баҳоси — 280 000 000 сўм.***

**4.** Фойдаланилган «Wellknit» русумли (носоз) айлана тўқиш машинаси — 6 дона.
***Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм.***

**5.** Фойдаланилган назорат машинаси — 1 дона.
***Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.***

**6.** Туркияда ишлаб чиқарилган (носоз) компрессор — 1 дона.
***Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.***

**7.** Фойдаланилган «LG» монитори (17 дюймли) — 1 дона.
***Бошланғич баҳоси — 40 000 сўм.***

**8.** Фойдаланилган процессор — 1 дона.
***Бошланғич баҳоси — 200 000 сўм.***

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги мол-мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мол-мулклар бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мол-мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг «Asia alliance bank» АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган мол-мулки қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Дарвозакент 2-берк кўчаси, 16-уй. Телефон: (+99897) 325-07-13.**

36R/18

Гувоҳнома № 004593.

# «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

**Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 15 июндаги 10-1520/7638-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Оникс» АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

- Умумий майдони 7327 кв.м. бўлган, 2 қаватли ертўладан иборат цех биноси, 28-блок.

*Бошланғич баҳоси — 625 000 000 сўм.*

- Умумий майдони 3458 кв.м. бўлган, 1 ва 2 қаватдан иборат цех биноси, 59-блок.

*Бошланғич баҳоси — 625 000 000 сўм.*

- 41-блокнинг 3477 кв.м.дан иборат қисми.

*Бошланғич баҳоси — 625 000 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2016 йил 15 февраль куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 12 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,**
**1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Тел./факс: (0-371) 228-80-23. www.1kms.uz**

43A/02

Лицензия: RR-0001.

# «Universal auktsion invest» МЧЖ

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 12 февраль куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2015 йил 15 январдаги 1-268/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Lacetti» русумли, давлат рақами 01 А 688 СА бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 49 000 000 сўм.***

Автотранспорт воситаси билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг «Турон» банки Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

38A/33

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:**
**Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.**

**Гувоҳнома № 004059.**

# «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 17 февраль куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Данғара тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 5 январдаги 15-1310/21048-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, «Мулкобод» ҚФЙ, Нурафшон қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 130,03 кв.м., фойдаланиш майдони 47,01 кв.м. бўлган 0001-0004-литерлардаги дала шийпони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 6 840 382 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 15 февраль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2016 йил 29 январь куни соат 14.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

**I.** Бувайда тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 5 майдаги 15-14-08/6311-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Чинобод» ШФЙ, Ойдинкўл қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 191,17 кв.м., фойдаланиш майдони 152,33 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги эҳтиёт қисмлар сақлаш омбори ва қурилиши тугалланмаган сауна.

***Бошланғич баҳоси — 29 067 847 сўм.***

**II.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2015 йил 14 июлдаги 1-687/2015 сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Фарғона шаҳри, 24-сонли «Шакар» МФЙ, Широқ кўчаси, 61-уйда жойлашган, ер майдони 800 кв.м., қурилиш ости майдони 373 кв.м., фойдаланиш майдони 288,58 кв.м. бўлган, 0001-0014-литерлардаги қурилиши тугалланмаган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 261 980 202 сўм.***

**2.** Фарғона шаҳри, 24-сонли «Шакар» МФЙ, Широқ кўчаси, 67-уйда жойлашган, ер майдони 716 кв.м., қурилиш ости майдони 78,85 кв.м. бўлган, 0001-0002-литерлардаги қурилиши тугалланмаган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 48 910 617 сўм.***

**III.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 22 июлдаги 1-666/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Фарғона шаҳри, «2-Ўрмончилар» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 350-«А» уйда жойлашган, ер майдони 3999,72 кв.м. бўлган оҳак ишлаб чиқариш цехи ҳамда ёрдамчи иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 144 520 857 сўм.***

**2.** Қувасой шаҳри, Алишер Навоий номидаги МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 579,87 кв.м., фойдаланиш майдони 852,32 кв.м. бўлган, 0001-0002-литерлардаги 2 қаватли маъмурий бино ва иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 280 730 599 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 27 январь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй.**
**Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.**

22R/34

Хизматлар лицензияланган.

# Ёшлар камоли — Ватан иқболи

Бугун навқирон авлодга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Зеро, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, замонавий асосда билим олишлари учун барча имконият яратилган. Хусусан, нафақат шаҳарларда, балки энг чекка қишлоқларда ҳам муҳташам ўқув масканлари қад ростламоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик ёшларимизни янада фаол бўлишга ундаётгани беҳад қувонарлидир.

**ФАХР**

Бинобарин, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар замирида ҳам келажагимиз соҳибларини “Шу азиз Ватан — меники, унинг бугуни ва эртанги куни учун мен ҳам масъулман”, деган ният билан яшашга ундашдек эзгулик мужассам.

Айни пайтда кенгашнинг 260 мингдан зиёд аъзоси бор. Давлатимиз томонидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаракат ташаббусларини янада жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамлакатимиз ёшлари ҳаётида алоҳида ўрин тутаяпти.

Мазкур қарорда кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида кенгаш томонидан мингга яқин тадбирлар ўтказилиб, уларда икки юз мингдан зиёд йигит-қизлар иштирок этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кенг имкониятлар яратиш, улар эришган муваффақиятларни тарғиб қилиш мақсадида қатор ишлар рўёбга чиқарилди.

Масалан, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчилари орасида бўлиб ўтган “Менинг бизнес ғоям” танловида ўн минг етти юздан ортиқ ўғил-қизлар қатнашди. Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида етмиш нафар, мамлакат босқичида эса ўн нафар иштирокчи ўз маҳоратини намоён қилди. Улардан бири ғолибликни қўлга киритган бўлса, уч нафари диплом билан тақдирланди.

Мазкур танловнинг якуний босқичида “Қишлоқ жойларда сервис хизматини йўлга қўйган тадбиркор”, дея эътироф этилиб, 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлган шуманайлик Азамат Аблезов бугунги кунда туман аҳолисига сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Худди шундай лойиҳалардан яна бири — “Ёш ишбилармон — эл-юрт таянчи” танловида ҳам 30 ёшгача бўлган 6 нафар йигит-қизнинг фаолияти муносиб баҳоланди, улар имтиёзли кредит олиш имкониятини қўлга киритди. Хусусан, Шуманай туманидан Гулмира Абдухолиқова банкнинг 47 миллион сўмлик молиявий кўмагидан самарали фойдаланган ҳолда, мактаб формаси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мўъжаз корхона ташкил этиб, ўндан ортиқ иш ўрни очди. Айтиш жоизки, ушбу кредит фоизи “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан қопланади.

*Республикамиз ёшлари ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Олий суд билан ҳамкорликда ташкил этилаётган “Сиз қонунни биласизми?” танловида қорақалпоғистонлик ўқувчилар уч йилдан буён муттасил биринчи ўринни эгаллаб келишмоқда. 2012 йилда Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицей, 2013 йилда Нукус иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, 2014 йилда эса Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 3-академик лицей ўқувчилари ўзларининг ҳуқуқий билимларини намойиш этиб, муваффақият қозонишди.*

Ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, иқтидорларини аниқлаш мақсадида ўтказиб келинаётган “Йилнинг энг фаол ёш журналисти”, туман ва шаҳарларнинг сайёҳлик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш мақсадига қаратилган “Янги нигоҳ” танловлари ҳам келажагимиз эгалари ҳаётида катта аҳамият касб этаяпти.

Шунингдек, ҳаракат тизимлари томонидан ёшларнинг истеъдод ва қобилиятларини қўллаб-қувватлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича “Одам савдоси — давр муаммоси”, “Ҳуқуқий билим ва юксак маданият” учрашувлари, “Шунқорлар”, “Ёш тадбиркор — юртга мададкор”, “Mit.uz”, “Юрт келажаги” сингари танловлар, “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” фестивали уюштирилаётир.

Ёшларда ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш ҳамда бандлигини таъминлаш мақсадида Нукус шаҳри, Мўйноқ, Тахтакўпир, Тўрткўл туманларида ташкил этилган “Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари”да, асосан, кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон ва туғма нуқсонли болалар компьютер саводхонлиги, тикиш-бичиш тўгаракларида ўқитилаяпти.

Нукус шаҳрида бунёд этилган “Ёшлар маркази” ҳам навқирон авлод учун катта имконият ҳисобланади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасида эканлигининг амалий ифодаларидир.

**Абат ДАНИЯРОВ,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси.**

**ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ**

Бугун Қатарда 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида иккинчи Осиё чемпионати бошланади. 30 январга қадар давом этадиган мазкур нуфузли мусобақада 16 та давлат вакиллари, жумладан, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳам ғолиблик учун курашади.

# Мақсад — Олимпиадага йўлланма олиш



Маълумки, ушбу қитъа биринчилиги Рио-де-Жанейро (Бразилия)да ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи турнир ҳисобланади. Совринли ўринларни эгаллаган учта жамоа — икки финалчи ва бронза медаль соҳиби тўрт йилликнинг энг йирик спорт анжуманига бориш ҳуқуқига эга бўлади.

Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги олимпия терма жамоамиз “С” гуруҳида Ироқ, Жанубий Корея ва Яман футболчиларига қарши майдонга чиқадилар.

Хабарингиз бор, аввалари Олимпиадага йўлланмасини олиш учун бир неча босқичли саралашдан ўтишга тўғри келарди. Икки йил муқаддам ушбу тизимга чек қўйилиб, янги мусобақа — U-23 чемпионатига асос солинди. 2014 йилда уюштирилган дастлабки турнирда Ироқ ғолиб чиққанди. Футболчиларимиз эса гуруҳ босқичидаёқ ўз иштирокини якунлаган эди.

Бу сафарги чемпионатга астойдил тайёргарлик кўрилди. Жумладан, Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоамизга барча шарт-шароит яратиб берди. Бир ойдан зиёд вақт мобайнида Тошкент ва Дубай шаҳарларида ўқув-йиғин машғулотлари, ўртоқлик ўйинлари ўтказилди. Назорат баҳсларида БААнинг “Ажман” клуби 4:0, ҚХДР олимпиячилари 4:2, Қатар футболчилари 2:0, иорданиялик ёшлар 2:1 ҳисобида мағлуб этилган бўлса, Сурия (0:1) ҳамда Хитой (0:2) олимпиячиларига имконият бой берилди. Японияга қарши кечган ўйинда эса дуранг (0:0) қайд этилди.

Йиғинлар давомида мураббийлар штаби бир қанча номзодлар орасидан 23 нафар футболчини танлаб олди. Таркиб, асосан, Ўзбекистон миллий чемпионатида ўйнайдиган футболчилар ҳисобига тузилган бўлиб, улар орасида фақатгина бир ўйинчи хорижда тўп суради. Яъни Сербиянинг “Явор” клуби аъзоси Хусниддин Ғофуров терма жамоадаги ягона легионердир.

**Суннатилла ИСЛОМОВ.**

**Ўзбекистон олимпия терма жамоаси таркиби:**

**Дарвозабонлар:** Абдумавлон Абдужалилов (“Нефтчи”), Жавоҳир Илёсов (“Машъал”), Асилбек Омонов (“Қўқон-1912”).

**Ҳимоячилар:** Сардор Раҳмонов (“Нефтчи”), Абдуллоҳ Олимов (“Пахтакор”), Максимильян Фомин (“Бухоро”), Жавлон Мирабдуллаев (“Металлург”), Муҳсинжон Убайдуллаев (“Пахтакор”), Акромжон Комилов (“Бунёдкор”), Достон Турсунов (“Нефтчи”), Жамшид Болтабоев (“Пахтакор”), Владимир Козак (“Пахтакор”).

**Ярим ҳимоячилар:** Жавоҳир Соҳибов (“Пахтакор”), Отабек Шукуров (“Бунёдкор”), Достон Ҳамдамов (“Бунёдкор”), Жалолиддин Машарипов (“Пахтакор”), Тимур Ҳакимов (“Оқтепа”), Жамшид Искандеров (“Пахтакор”), Икромжон Алибоев (“Локомотив”), Хусниддин Ғофуров (“Явор”, Сербия).

**Ҳужумчилар:** Игорь Сергеев (“Пахтакор”), Элдор Шомуродов (“Бунёдкор”), Жасурбек Ҳакимов (“Сўғдиёна”).

*Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси илк учрашувни 13 январь куни Жанубий кореялик тенгқурларига қарши ўтказса, 16 январда Ироқ футболчилари билан беллашади. Гуруҳнинг сўнгги баҳси 19 январь санасида кечади. Барча ўйинлар Тошкент вақти билан соат 21:30 да бўлиб ўтади.*

Илм-фан:

# Изланишлар, тадқиқотлар, кашфиётлар

*2015 йилда мамлакатимиз, шу жумладан, жаҳон илм-фанида ҳам қатор янгиликлар кузатилди. Экспертларнинг таъкидлашича, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, юқори технологиялар йўналишларига оид ана шу кашфиётлар ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Қуйида уларнинг айримларига қисқача тўхталамиз.*

**Ўзбекистонда**

- ЎзФАнинг Биоорганик кимё институти мутахассислари томонидан ўткир вирусли касалликларга қарши “рутан” номли янги таблетка яратилиб, етакчи клиникаларда муваффақиятли синовдан ўтказилди.
- Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти олимлари машинасозлик ҳамда тракторсозлик соҳасида фойдаланишга мўлжалланган янги модель яратишди. Унинг вазифаси ғилдиракли транспорт воситаси конструкциясини ва ўлчовини соддалаштириш, ишлов беришда аниқликни оширишдан иборат.
- Мамлакатимизда етиштириладиган дуккакли дон экинлари қаторига “Мальхотра” ва “Ҳалима” деб номланган нўхат турлари қўшилди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам кучсиз шўрланган ерларда юқори ҳосил бериши билан аҳамиятлидир.



- Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олимлари ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, уруғлик ва ёнилғи сарфини камайтириш имконини берадиган универсал сеялка яратишди. Мазкур қурилма ёрдамида агротехника тадбирларининг сифати бажарилиши ҳисобига уруғ 20-25 фоиз, ёнилғи эса 1,5-2 баробар кам сарфланади.
- Юртимиз мутахассислари қандли диабетга қарши электр пайпоқ ишлаб чиқишди.

**Жаҳонда**

- Австралиянинг Аделаида шаҳрида илк бор ҳайдовчисиз бошқариладиган автомобиль синовдан ўтказилди. “Volvo XC90” русумли автоулов 7 км. масофани босиб ўтди.
- Япониялик олим Казуе Ямагаши кашф этган тиш пастаси ёрдамида тишлардаги ғовак ва ёриқларни тез ҳамда оғриқсиз беркитиш, шунингдек, стоматолог ёрдамисиз тиш эмалини тиклаш мумкин.




- АҚШдаги Сиракьюс университети профессори Сэм Ван Акен 40 хил мева тугадиган ажойиб дарахт навини яратди.
- Қуёш батареялари ёрдамида учадиган “Solar Impulse 2” номли самолёт узоқ муддатли парвозни амалга оширди.

**БУНЁДКОРЛИК**

Поп туманидаги 13-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари футбол, бокс, белбоғли кураш, дзюдо, армрестлинг каби йўналишлардан ташқари, сузиш машғулотларида ҳам қатнашадиган бўлдилар.

# Замонавий сузиш ҳавзаси

Гап шундаки, муассасада ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 4,9 миллиард сўм миқдоридаги маблағ замонавий спорт зали қурилишига йўналтирилди. Ҳозир мактабда жисмоний етуклик машғулотларини ўтказиш учун яратилган бундай шарт-шароитлар ёш иқтидор эгаларини юксак марралар сари руҳлантирмоқда. Хусусан, белбоғли кураш тўгарагида сабоқ олган Элбек Сотволдиев яқинда ташкил қилинган жаҳон чемпионатида ғолибликка эришди.

Айтиш лозимки, Наманган вилоятида бунёд этилаётган болалар спорти иншоотлари сони йил сайин кўпайиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Чунончи, шу йўналишда 2015 йилнинг ўзида 20,7 миллиард сўм эвазига 16 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН 8 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги 26-сон «Бир марталик гастроль-концерт гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2016 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2447-1 (2016 йил 11 январдан кучга кирди).***

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 28 декабрдаги 110, 242-В-2-сон «Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2016 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1295-2 (2016 йил 11 январдан кучга кирди).***

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2015 йил 16 декабрдаги 20, 39, 105-сон «Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган фуқаролар рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2749 (2016 йил 11 январдан кучга кирди).***

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 28 декабрдаги 45-сон «Қўллаш учун яроқсиз дори воситалари ва

**Хабар**

тиббий буюмларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2016 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2106-2 (2016 йил 11 январдан кучга кирди).***

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 28 декабрдаги 44-сон «Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2016 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2387-2 (2016 йил 11 январдан кучга кирди).***

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2015 йил 30 декабрдаги 3-сон «Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1303-3 (2016 йил 11 январдан кучга кирди).***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг «Бир марталик гастроль-концерт гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2447, 2013 йил 2 апрель).

***Адлия вазирининг 2016 йил 4 январдаги 1-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг «Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1295-1, 2004 йил 16 ноябрь).

***Адлия вазирининг 2016 йил 4 январдаги 2-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

***Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

РЕКЛАМА

**«FPI DELIVERY SERVISE» МЧЖ**

**боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ва камхаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.**

*Мотокультиваторлар 6, 6,5 ва 9 от кучига эга. Дизель ва бензин ёнилғисида ишлайди.*



Маҳсулотлар сертификатланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сонли нотариал идора).**
**Маълумот учун тел.:**
**(+99890) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-42-17.**
03R/449

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси таржима назарияси ва амалиёти факультети декани Севара Зиёевага турмуш ўртоғи **Алишер ИБРАГИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 155 861 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5